

2018 йил 10 декабрь куни “Техник жиҳатидан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори юзасидан “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори Д.Н Саттаровнинг 13.12.2018 даги Ўзбекистон 24 телеканалидаги интервьюси.

Қарор билан бугунги кунда соҳадаги мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этиш ва тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш белгилаб берилган:

1. Бугунги кунда янги ишга туширилаётган ишлаб чиқариш қувватлари ва инвестиция лойиҳаларини қисқа муддатларда амалга оширишни таъминлаш мақсадида лойиҳа ташаббускорлари учун божхона расмийлаштирувида сертификатлаштириш жараёнларини соддалаштириш – қабул қилинган Қарорнинг асосий моҳиятини ташкил қилади.

Жумладан:

– **хусусий бизнесни** ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган, техника ва технологик ускуналарни, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни, шунингдек ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ноозиқ-овқат товарларни **мажбурий сертификатлаштиришдан озод этилди**(*хорижий мувофиқлик сертификатлари ёки синов баённомалари тақдим этилганда*);

– **ўлчаш воситаларини** хорижий давлатларнинг сертификатлари асосида республикага олиб киришга рухсат берилди;

– айнан бир турдаги маҳсулотни ижобий синов натижаларини қабул қилган ҳолда, **такрорловчи синовлардан** ўтказилиши таъқиқланди.

Бу ўз навбатида тадбиркорлик субъектлари учун божхона расмийлаштирувида сертификатлаштириш учун талаб этиладиган муддат ўртача 20 кундан 2 кунгача қисқартиради.

2. Миллий стандартларнинг уйғунлашув даражасини кескин оширишни назарда тутувчи мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланиб, 2021 йилга қадар 47 фоизга етказиш белгиланди. Бу дегани 2 йил ичида қарийиб 7 мингта хужжат қайта кўриб чиқилиши лозим. Таққослаш учун, сўнгги ўн йил ичида 3,5 мингта стандарт қабул қилинган.

Соҳалар кесимида қарайдиган бўлсак, 2021 йил якунига қадар халқаро стандартлар улушини озиқ-овқат саноатида 82,5 фоизга, тўқимачилик ва чарм-пойабзал саноатида 67,3 фоизга, қурилишда икки баробардан ортиқ етказиш кўзда тутилмоқда.

Қўйилган вазифаларни тизимли ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқларининг стандартларни ишлаб чиқиш жараёнини мувофиқлаштириш мақсадида, қарор билан Агентлик қошида махсус институт ташкил этилмоқда.

3. Маҳсулотларнинг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган техник регламентларни ишлаб чиқишни назарда тутувчи дастур.

Техник регламентларни ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш натижасида ишлаб чиқарилаётган ва олиб кирилаётган маҳсулотларга тегишли бўлган хавфсизлик кўрсаткичларини ягона хужжатга жамлаш ва ушбу талаблар бажарилиши натижасида аҳолига кафолатланган хавфсиз маҳсулот етказиб бериш йўлга қўйилади, ҳамда аҳолининг сифатсиз маҳсулотлар истеъмоли натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатлари ва турли хил оғир касалликлар олди олинади. Дастур билан 42 турдаги маҳсулотлар гуруҳи учун техник регламентлар ишлаб чиқилади. (*озиқ-овқат маҳсулоти, ўйинчоқлар, мебель, лок-бўёқ, маиший кимё, парфюмерия, кимёвий ҳимоя воситалари, шиналар*)

4. Соҳага оид фаолиятни янада ривожлантириш мақсадида 28 банддан иборат **“Йўл харитаси”** тасдиқланди.

Бунда, амалдаги қонунчилик хужжатларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини қабул қилиш (10 та банд), мувофиқликни баҳолаш жараёнларини такомиллаштириш учун синов базасини қайта жиҳозлаш (6 та банд), соҳага илғор ахборот технологияларини жалб қилиш (5 та банд) ва бошқа масалаларга эътибор қаратилган.

“Йўл харитаси”да саноат тармоқларини истиқболларини инobatга олган ҳолда, янги халқаро синов усулларини жорий қилиш, замонавий лабораториялар ташкил қилиш учун 24,0 млн. долларлик халқаро молиявий институтлар ва хорижий инвесторлар маблағларини жалб қилиш кўзда тутилган.

5. Қарор билан юклатилган вазифаларни сифатли ва тўлақонли бажарилишини

таъминлаш мақсадида агентликнинг марказий аппарати ва ташкилий янгиланган тузилмалари тасдиқланди. Бунда, хорижий юқори малакали мутахассислар билан тизимни янада такомиллаштириб бориш, фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари тасдиқланди.

Агентлик қошида ташкил этилаётган Департамент зиммасига тадбиркорлик субъектларига стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига амал қилинишини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор иқтисодиётимизни бугунги кундаги жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, маҳаллий маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш орқали экспорт географиясини кенгайтириш халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.